

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ПОЛЛАР

ҚМҚ 2.03.13-19

Расмий нашр

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ 2019

ЎУРИЛИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ПОЛЛАР

КМК 2.03.13-19

РАСМИЙ НАШР

Тошкент 2019

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ ВА КИРИТИЛДИ:

ЎзЛИТТИ АЖ (архитектура доктори А.А.Маҳкамов – мавзу раҳбари, т.ф.н. С.А.Ходжаев, т.ф.н. А.М.Комилов, муҳандис Л.А.Мухамедшин, арх.Т.П.Зимаков);

ТАҚИ (т.ф.н., проф. Н.А.Самигов, т.ф.н., доц. М.Т.Турапов.

МУҲАРРИРЛАР: Т.Н. Набиев, Ф.Ф. Бакирханов (ЎзР

Давархитектқурилишқўм);

архитектура доктори А.А.Маҳкамов, т.ф.н. С.А.Ходжаев, т.ф.н. А.М.Камилов, архитектор Т.П.Зимакова (УзЛИТТИ АЖ).

ТАСДИҚЛАШ УЧУН ТАЙЁРЛАДИ: Қурилишда стандартлаштириш ва техник меъёрлар бошқармаси (Д.А.Аҳмедов).

Ушбу нашр матнида «ToshuyjoyLITI» АЖ (Р.Р.Қодиров – мавзу раҳбари), ТАҚИ (т.ф.д., проф. С.А.Ходжаев – мавзу раҳбари, т.ф.н., доц.С.Т.Қосимова) томонидан ишлаб чиқилган, ЎзР Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 15 октябрдаги 480-сонли буйруғи билан тасдиқланган 2.03.13-97 ҚМҚга 1-сонли ўзгариш ҳисобга олинди.

МУҲАРРИРЛАР: Б.С.Содиқов (Қурилиш вазирлиги), Р.Р.Қодиров («ToshuyjoyLITI» АЖ).

ТАСДИҚЛАШ УЧУН ТАЙЁРЛАДИ: Техник меъёрлаштириш, янги технологияларни жорий қилиш бошқармаси (Д.А.Аҳмедов).

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ҚМҚ 2.03.13-19 «ПОЛЛАР» амалга киритилиши билан ҚМҚ 2.03.13-97 ўз кучини йўқотади.

КЕЛИШИЛДИ: ЎзР ССВ, ЎзР ФХВ ЁҲББ.

Ушбу қурилиш меъёрлари ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг руҳсатисиз тўла ёки қисман чоп қилиниши, кўпайтирилиши ва тарқатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги (ЎЗР Қурилиш вазирлиги)	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари	2.03.13-2019 ҚМҚ
	Поллар	2.03.97 ҚМҚ ўрнига

Ушбу меъёрлар ва қоидалар ишлаб чиқариш, **омборхона**, уй-жой, ижтимоий, маъмурий ва маиший биноларнинг полларини лойиҳалаштиришга татбиқ қилинади.

Полларни лойиҳалаш Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 23 апрелдаги ЎРҚ-213-сон “Техник бошқариш тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқ ҳамда пол юзасининг иссиқлик ўзлаштириш кўрсаткичи меъёрлаштирилдиган поллар – ҚМҚ 2.01.04.2018; ва

чорвачилик, паррандачилик ва ҳайвонотчилик бинолари ва хоналарининг поллари – ҚМҚ 2.01.04.2018 учун белгиланган талаблар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Агрессив муҳитга эга хоналардаги полларнинг кимёвий чидамли қопламалари учун материаллар ҚМҚ 2.03.11 талабларига мувофиқ қабул қилиниши лозим.

Полларни лойиҳалашда маълум бино ва иншоотларни лойиҳалаш меъёрлари, ёнғинга қарши ва санитария меъёрлари, шунингдек технологик лойиҳалаш меъёрларида белгиланган қўшимча талабларга амал қилиш лозим.

Ушбу меъёрлар олиб қўйилдиган полларни, доимий музлик грунтларида жойлашган поллар полларни лойиҳалашга татбиқ қилинмайди.

Ушбу меъёрлар матнида иқтибослар келтириладиган меъёрий ҳужжатлар 5-мажбурий иловада берилган. Иқтибослар келтирилган амалдаги меъёрий ҳужжатлардан чиқариб ташланган меъёрлар бўлса, бундай меъёрлар ўрнига киритилган меъёрларга таяниш лозим.

Ушбу меъёрларда 6-мажбурий иловада келтирилган атамалар ва таърифлар қўлланган.

1. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

1.1. Полнинг конструктив ечими қурилишнинг муайян шароитларида қабул қилинган ечимнинг техник-иқтисодий мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда, эксплуатация шартлари талабларидан келиб чиқиб амалга оширилиши ва бунда қуйидаги талаблар таъминланиши лозим:

- полнинг эксплуатацион ишончилиги ва кўпга чидамлилиги;
- қурилиш материалларининг тежалиши;

«ToshuyjoyLITI» Акционерлик жамияти томонидан киритилди.	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 й. 15 октябрдаги 480-сон буйруғи билан тасдиқданди	Амалга киритилиш муддати 2019 йилнинг 15 октябридан
--	--	---

- грунтларнинг мустаҳкамлик ва деформацияланиш тавсифларидан ва полларни ўрнатишда материалларнинг физик-механик хусусиятларидан имкон даражада тўлиқ фойдаланиш;

- ўрнатиш ва эксплуатация қилишда энг кам меҳнат сарфини таъминлаш;

- ўрнатиш жараёнларини максимал даражада механизациялаш; экологик хавфсизлик;

- одамларнинг ҳаракатланишидаги хавфсизлиги; одамлар учун мақбул гигиеник шароитлар;

- ёнғин ва портлаш хавфсизлиги.

1.2. Полларни лойиҳалаштириш уларга тушадиган эксплуатация таъсирлари, махсус талаблар (учқун чиқармаслик, антистатиклик, электр ўтказувчанлик, чанг чиқармаслик, текислик, чидамлилиқ, иссиқлик ўзлаштириш, товушни изоляциялаш қобилияти, нам ўтказмаслик, сирғанчиклик) ва гигиена талаблари (дезинфекцияловчи воситалар таъсирига бардошлилик, осон тозаланиши), шунингдек қурилиш жойининг иқлимий шароитлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши лозим. Шовқиндан муҳофаза қилиш талаблари “Шовқиндан муҳофаза қилиш” ҚМҚ 2.01.08.96 бўйича қабул қилинади.

1.3. Полларга механик таъсирларнинг интенсивлигини 1-жадвал бўйича қабул қилиш лозим

1-жадвал

Механик таъсирлар	Механик таъсирларнинг интенсивлиги			
	ғоят катта	катта	ўртача	кичик
Ўўлнинг 1 метр кенлигида пиёдалар ҳаракати, 1 суткада одамлар сони			500 ва ортиқ	500дан кам
Ҳаракатланишнинг бир каторида гусеницали транспорт ҳаракати, дона/сутка	10 ва ундан ортиқ	10 дан кам	руҳсат этилмайди	руҳсат этилмайди
Ҳаракатланишнинг бир каторида резина ғилдиракли транспорт ҳаракати, дона/сутка	200 дан ортиқ	100-200	100 дан кам	фақат қўл аравачаларнинг ҳаракатланишига руҳсат этилади
Ҳаракатланишнинг бир каторида металл шинали аравачалар ҳаракати, юмалоқ металл предметларни ғилдира-тиш, дона/сутка	50 дан ортиқ	30-50	30 дан кам	руҳсат этилмайди
Қаттиқ предметларнинг 1 м баландликдан тушгандаги урили-ши, массаси кг да, кўрсатил-гандан ортиқ бўлмаслиги керак.	20	10	5	2
Ўткир бурчакли ва қиррали қаттиқ предметларни судраш	руҳсат этилади	руҳсат этилади	руҳсат этилмайди	руҳсат этилмайди

Полда учи ўткир асбоб (курак ва б.) билан ишлаш.	рухсат этилади	рухсат этилади	рухсат этилмайди	рухсат этилмайди
--	----------------	----------------	------------------	------------------

1.4. Суюқликлар полга кўрсатаётган таъсирининг интенсивлиги куйидагича олинади:

кичик – суюқликларнинг полга унча катта бўлмаган таъсири; пол юзаси куруқ ёки бир оз нам; пол қопламаси суюқликларни шиммайди; хоналарни тозалашда полга сув қуйилмайди;

ўртача – пол вақти-вақти билан намланиб туради ва бу ҳолат қоплама сувни шимишига сабаб бўлади; пол юзаси одатда нам ёки хўл бўлади; суюқликлар пол юзасидан вақти-вақти билан оқиб туради;

катта – суюқликлар пол юзасида муттасил ёки тез-тез оқиб туради.

Пойазал таглигидан ва транспорт шиналаридан олиб ўтилиши туфайли суюқликларнинг таъсир кўрсатиш зонасининг тарқалиши полнинг хўл бўлган еридан ҳар тарафга (шу жумладан, ёндош хоналарга): сув ва сувли эритмалар учун 20 м ни, минерал ёғлар ва эмульсиялар учун 100 м ни ташкил қилади.

Пол ювиш (сув қуймасдан туриб ва пол қопламалари тайёрланадиган материалларни ишлаб чиқаруви фирмаларнинг тавсияларига мос келадиган ювиш ва парпаришlash воситаларидан фойдаланган ҳолда) ва унга тасодифий томчиларнинг онда-сонда сачраши, тушиши ва ҳ.к. полга суюқликнинг таъсири деб ҳисобланмайди.

1.5. Суюқликлар полга ўртача ва катта интенсивликда таъсир кўрсатадиган хоналарда полларда қиялик кўзда тутилиши лозим. Қиялик катталиги куйидагича қабул қилинади:

0,5-1% - чоксиз қопламаларда ва плитадан қилинган қопламаларда (ҳамма турдаги бетон қопламалардан ташқари);

1-2% - брусчатка, ғишт ва ҳамма турдаги бетондан қилинган қопламаларда.

Лотоклар ва каналлар қиялиги қўлланган материалларга қараб мос равишда кўрсатилганлардан кам бўлмаслиги керак. Қияликларнинг йўналиши шундай бўлиши керакки, бунда оқава сувлар, транспорт йўллари ва ўтиш жойларини кесиб ўтмай, лотоклар, каналлар ва трапларга оқиб тушиши керак.

1.5.1. Чорвачилик биноларида пол қиялиги гўнг йиғиладиган канал томон куйидаги катталикларда олинishi лозим:

0 % – поли панжарали хоналарда ва гўнг механик тарзда йиғиладиган каналларда;

0,5% дан кам эмас – парранда катакларда сақланадиган хоналарда ва ҳамма хоналардаги ўтиш жойлари бўйлаб лотокларда;

5 % дан кам эмас – хоналарнинг технологик қисмларида (оғилхона ва молхона бўлмалари, катаклари ва ҳ.к.);

6% дан кўп эмас – ҳайвонлар ва паррандалар семиртириладиган хоналар ва бинолар ўртасидаги ўтиш йўлаклариди.

1.6. Ораёпмаларда поллар қиялиги ўзгарувчан қалинликдаги стяжкани қўллаган ҳолда, грунтдаги полларда эса грунт асосининг қалинлигини ўзгартириш орқали ҳосил қилиниши керак.

1.7. Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш хоналарида

бўшлиқсиз (қоплама остида ҳаво қатламисиз) полларни қўллаш лозим.

1.8. Ҳожатхона ва ванна хоналарда пол сатҳи ёндош хоналардаги пол сатҳидан 15-20 мм паст бўлиши керак, ёки бу хоналардаги поллар остона билан ажратилган бўлиши лозим.

1.9. Полларнинг деворлар, пардеворлар, колонналар, асбоб-ускуналарни ўрнатиш учун мўлжалланган фундаментлар, қувур йўллари ва полдан чиқиб турадиган бошқа конструкцияларга тутушган жойларида плинтус ўрнатилиши лозим. Суюқликлар деворларга тегадиган ерларда улар намланадиган бутун баландлик бўйлаб қоплама кўзда тутилиши лозим. Деворлар бўйлаб деформация чоклари бўлмаган, эстетикага оид талаблар ҳамда суюқликлар таъсири паст интенсивликда бўлган хоналарда кечадиган технологик жараёнларда алоҳида талаблар қўйилмаган ҳолларда полларнинг деворларга тутушган ерларида, герметиклик таъминланган бўлса, плинтуслар ўрнатилмаса ҳам бўлади.

1.10. Кимёвий чидамли полларда лотоклар, каналлар ва трапларнинг юзасини қоплашда ушбу полларни қоплаш учун мўлжалланган материаллар ишлатилиши керак.

1.11. Маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган хоналар полларининг, шунингдек ҳайвонлар сақланадиган хоналар полларининг конструкциясида бўшлиқлар бўлмаслиги керак.

1.12. Бинолардаги поллар талабдаги тутиб туриш қобилитига эга бўлиши ва “билкиллайдиган” бўлмаслиги лозим. Турар жой биноларида 2 кН га тенг, жамоат ва маъмурий биноларда 5 кН га тенг ҳамда ишлаб чиқариш ва омборхона биноларини лойиҳалашга техник топшириқлардаги юкларга мос келадиган бир ерга тўпланган юк таъсиридаги салқиликлар 2 мм дан ошмаслиги керак.


1.13. Суюқликларнинг ўртача ва катта интенсивликдаги таъсирга учрайдиган (очик стадионлар ва майдончалардаги ёмғир ва эриган қор сувлари) ясси спорт иншоотларидаги поллар юзаки сувларни четга чиқариш ва дренаж тизими билан жиҳозланган бўлиши керак. Ясси иншоотлар худудидан сувни кетқазуш учун, бу худуд керакли қияликлар билан бажарилиши керак, шунингдек унда юзаки сувларни тўплаш ва кетқазуш учун очик лотоклар тизими, ёпик қувурлар ва қудуқлар тизими, ёки очик лотоклар ва ёпик сув кетқазувчи тизимлар комбинацияси кўринишидаги қурилмалар кўзда тутилган бўлиши лозим.

1.14. Ясси очик иншоотдаги пол қопламасининг қиялиги 0,5 - 1 % ни ташкил қилиши керак.

1.15. Қияликлар қуйидаги йўналишлардан бошланиши керак:

- теннис корти, волейбол ва бадминтон учун майдончаларнинг энлама ўқидан (А);

- баскетбол, футбол, қўл тўпи ва бошқа майдончаларнинг бўйлама ўқидан (Б) ёки вальмали



1.16. Жароқатланишнинг олдини олиш учун очик спорт иншоотлари полларидаги лотоклар ва каналлар панжарали қопқоқлар билан ёпилган бўлиши лозим.

1.17. Спортнинг ўйин турлари учун (футбол, волейбол, баскетбол, теннис ва ҳ.к.) мўлжалланган залларнинг поллари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

зарбни ютишлик - 53 %дан кам эмас;

стандарт деформация (нуқтага 1500 Н га тенг куч билан зарб юки тушганида, пол қопламасининг эгилиш қийматини тавсифлайдиган параметр) – кўпи билан 2,3 мм дан кам эмас;

W 500 фактори (юк таъсир қиладиган нуқтадан 500 мм масофадаги деформацияни тавсифлайдиган параметр) – стандарт деформациянинг 15% дан кам эмас;

тўпнинг урилиб қайтиши - 90 %дан кам эмас;

думалатишдаги босим - 1500 Н дан кам эмас.

1.18. Полларга чанг чиқармаслик, текислик, антистатиклик ва (ёки) учқун чиқармаслик бўйича қўйиладиган талаблар буюртмачи томонидан техник топшириқ босқичида технологик жараённинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

1.19. Керамик плитка қопланган иситиладиган поллар кишилар оёқ яланг юрадиган зоналарда – ванналар ва бассейнларнинг периметрлари бўйлаб айланма йўлкалар (очик бассейнлар бундан мустасно), ечиниш жойлари, душхоналарда кўзда тутилиши керак. Пол юзасининг ўртача температураси 21-23°C ҳадларда ушлаб турилиши лозим.

1.20. Манфий температурадаги совитиладиган хоналардаги поллар пол тагига асос бўлган грунтларнинг музлашини олдини олиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилиши керак. Шу мақсадда 2.09.2015 ҚМҚ ва 2.01.2004 ҚМҚга мувофиқ сунъий иситиш тизимларини қўллаш, шамоллатиладиган тағхоналар барпо қилиш, термоизоляция ва бошқа ҳимоя тизимларини ташкил қилиш лозим.

2. ПОЛ ҚОПЛАМАЛАРИ

2.1. Ишлаб чиқариш хоналаридаги пол қопламасининг тури механик, суyoқлик ва иссиқлик таъсирларининг тури ва интенсивлигига қараб, 1-мажбурий иловага мувофиқ полларга қўйилган махсус талаблар ҳисобга олинган ҳолда тайинланиши лозим.

Очиқ майдончалар ва ишлаб чиқариш категорияси А, Б, В бўлган хоналардаги пол қопламалари учкун чиқмайдиган материаллардан танланади.

Турар жой, жамоат, маъмурий ва маиший бинолардаги пол қопламаларининг тури, хонанинг турига қараб, 2-иловадаги тавсияларга биноан тайинланиши лозим.

2.2. Яхлит қопламалар материалларининг ва пол қопламалари плиталарининг қалинлиги 2-жадвал бўйича тайинланиши лозим.

Қувурларни бетон қопламаларда уларни бевосита бетон асос бўйлаб ўрнатган ҳолда (қувурларни ёпиш учун оралик стяжкасиз жойлаштиришда пол қопламасининг қалинлиги қувур диаметрига 45 мм қўшилган қийматдан кам бўлмаслиги керак.

2.3. Цемент боғловчи асосидаги қопламаларнинг 28 кунлик муддатда бетон асосдан узилишга бўлган боғланиш мустаҳкамлиги (адгезияси) 0,75 МПа дан кам бўлмаслиги керак. Қотган (бетон) қоринининг бетон асос билан боғланиш мустаҳкамлиги 7 кундан кейин лойиҳадагига нисбатан 50% дан кам бўлмаслиги лозим.

2.4. Бетон қопламали ва иссиққа чидамли бетон қопламали полларнинг тўлиқ қалинлиги полга таъсир кўрсатадиган юклар, қўлланадиган материаллар ва асос грунтининг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, аммо бетон асоснинг қалинлиги 120 мм дан кам бўлмаслиги кераклигини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоблар бўйича қабул қилинади.

2.5. Чорвачилик биноларида полга таъсир кўрсатадиган ҳайвонлар вазнидан бир ерга тўпланадиган ҳисоблаб чиқарилган юклар технологик лойиҳалаштириш меъёрлари бўйича, 1,2 га тенг ортикча юк коэффициентини ва 1,2 га тенг динамиклик коэффициентини ҳисобга олинган ҳолда қабул қилиниши керак.

2.6. Чорвачилик биноларининг ем-хашак ва гўнг ташиладиган йўлақларидаги поллар пневматик юрадиган транспортдан ғилдиракка 14,5 кН босимда тушадиган ўзгарувчан юк таъсирини мўлжаллаб ҳисобланиши керак.

2.7. Ҳайвонлар тўшамасиз боқиладиган чорвачилик биноларидаги полнинг меъёрлаштириладиган иссиқлик ўзлаштиришини таъминлаш учун қўлланадиган енгил бетонлардан латекс-цемент қопламали монолит поллар ва оҳак-керамзит поллар керамзит шағалли иссиқлик сақлайдиган қатлам устидан қопланиши ва сиқилишга 20 МПа дан кам бўлмаган мустаҳкамликка эга бўлиши керак.

2.8. Оловбардош бетондан бажарилган плиталарнинг қалинлиги ва арматураланиши деформацияланадиган асосда, полга энг номақбул юклар бирикувининг таъсир кўрсатишида ётган конструкцияларнинг ҳисоблари бўйича қабул қилинади.

Таблица 2

Пол қопламасының материали	Полға механик таъсирлерінің интенсивлігі							
	Ғоят қатта		қатта		ўртача		кішік	
	Қопламаның қалыңлығы, мм	Бетон сінфі ёкі қоплама материалының мұстахқамлығы, МПа	Қопламаның қалыңлығы, мм	Бетон сінфі ёкі қоплама материалының мұстахқамлығы, МПа	Қопламаның қалыңлығы, мм	Бетон сінфі ёкі қоплама материалының мұстахқамлығы, МПа	Қопламаның қалыңлығы, мм	Бетон сінфі ёкі қоплама материалының мұстахқамлығы, МПа
1. Бетонлар: - цементлі - мозаикалы - поливинила- цетат ёкі латексли - кислотаға чидамлы - асфальт-бетон - пўлат-фибро- бетон	501	B402 рухсат этилмайды шунинг ўзи	30 30 30	B30 40 40	25 25 20	B 22,5 30 30	20 20 20	B15 20 20
	403	B354	40 50 30	25 – B25	30 40 25	20 – B20	20 25 20	20 – B15
2. Цемент-қумлы қоришма	рухсат этилмайды		рухсат этилмайды		30	30	20	20
3. Поливинила- цетат-цемент- қипіқлі таркіб	шунинг ўзи		шунинг ўзи		20	–	15	–
4. Синтетик смолалар асосыдағы қуыладиган таркіб	»		»		*	–	21	–
5. Қисолит	»		»		20	–	15	–
6. Цемент-бетон плиталар	»		40	B30	30	B22,5	30	B15
7. Мозаика-бетон плиталар	»		40	40	30	50	20	20
8. Сопол плиткалар	»		рухсат этилмайды		рухсат этилмайды		9-13	–
9. Кислотаға чидамлы сопол плиталар	»		50	–	30-35	–	15-20	–
10. Сопол-гранит	»		рухсат этилмайды		рухсат этилмайды		8 дан ортық	–

* 70 мм ли ва камида 120 мм ли устки қатлами мустаҳкамланган бетон пол учун, бетон қоплама ва грунт бўйлаб тўшама қатлам сифатида фойдаланганда.

Устки қатлами мустаҳкамланган бетон пол учун - В22,5.

Металл шинали аравачаларнинг ҳаракатланишига йўл қўйилмайди.

Хажм бўйича фибрли арматуралаш коэффиценти $C_d > 0,003$ (23,5 кг/м³ дан юкори) бўлганида.

2.9. Тахталар, паркет, паркет тахталари ва вазмин тахталар, шунингдек паркет шчитларнинг қалинлиги маҳсулотга қўйиладиган амалдаги стандартлар бўйича қабул қилинади.

2.10. Тахталар, рейкалар, паркет тахталари ва шчитларидан бажарилган қопламалар остидаги ҳаво бўшлиғи вентиляция ва тутун йўллари билан боғланмаган бўлиши керак, майдони 25 м^2 дан ортиқ хоналарда эса тахта тўсиқлар билан (4-5)(5-6) м ўлчамдаги туташ бўлмаларга ажратилган бўлиши лозим.

2.11. Инсон учун антистатиклик нуқтаи назаридан қулай шароитни таъминлаш ва асбоб-ускуналарни 5 кВ дан ортиқ электр зарядларидан ҳимоялаш учун турар жой ва жамоат бинолари хоналаридаги полларнинг қопламаси солиштирма юзаки электр қаршилиги 10^6 - 10^9 Ом чегараларида бўлган полимер антистатик материаллардан бажарилиши шарт.

2.12. Инсон учун антистатика нуқтаи назаридан қулай шароитни таъминлаш зарур бўлган, шунингдек 2 кВ дан ортиқроқ кучланишли электр разрядлардан асбоб-ускуналарни ҳимоя қилиш учун “электрон гигиена” талаби қўйиладиган саноат бинолари хоналарида пол қопламасининг юзаси билан бинонинг ерга уланиш тизими ўртасидаги электр қаршилик катталиги 540^4 дан 10^7 Ом гача ораликда бўлиши билан характерланадиган электр тарқатувчи қопламали поллар бажарилиши лозим.

2.13. Газ, чанг, суюқликлар ва бошқа моддаларнинг тез портлайдиган қоришмалари, предметлар полга зарб билан урилганида ёки статик электр разрядларда ҳосил бўладиган учқунлар портлаш ёки ёнғинни келтириб чиқариши мумкин бўлган концентрацияларда ҳосил бўлиш эҳтимоли бўлган хоналарда поллар зарбли таъсирларда учқун ҳосил қилмайдиган ҳамда пол қопламасининг юзаси ва ерга уланиш тизими ўртасидаги электр қаршилик катталиги $5 \cdot 10^4$ дан 10^6 Ом гача келадиган электр тарқатувчи қопламадан бажарилиши керак.

2.14. Тозалик синфлари бўйича таснифланадиган “тоза” ва “ўта тоза” хоналарда поллар пол қопламасининг юзаси ва ерга уланиш тизими ўртасидаги электр қаршилик катталиги $5 \cdot 10^4$ дан 10^7 Ом гача келадиган электр тарқатувчи полимер қопламадан бажарилиши керак.

2.15. Пол қопламаси юзасидан статик электрни қайтариш учун, электр тарқатувчи пол қопламасининг тагида бинонинг ерга уланиш тизимига бириктирилган электр қайтарувчи контур жойлаштирилиши лозим.

2.16. Полларга чанг ажралишига кўра юқори талаблар қўйилган тақдирда, “кам чангийдиган” (ейилиши $0,4 \text{ г/см}^2$ дан ортиқ эмас) ва “чангсиз” (ейилиши $0,2 \text{ г/см}^2$ дан ортиқ эмас) пол қопламалари қўлланиши лозим. Пол қопламасининг юзасини тавсия қилинаётган 3-иловага мувофиқ пардозлаш мумкин.

2.17. Пол қопламасининг ейилиши яхлит пол қопламалари учун чангсизлик синфи 1000 бўлган хоналарда $0,06 \text{ г/см}^2$ дан, 10000 бўлган хоналарда $0,09 \text{ г/см}^2$ дан ва 100000 бўлган хоналарда $0,12 \text{ г/см}^2$ дан ошмаслиги, линолеумдан пол қопламалари учун эса мос равишда 50 мкм, 90 мкм ва 100 мкм дан ошмаслиги керак.

Чангсизлик синфи 1000 ва 10000 бўлган хоналарда бириктириладиган ленолемум полотноларининг милклари пайвандланиши лозим.

2.18. Пол қопламасининг юзаси текис бўлиши керак. Икки метрли назорат рейкаси билан текшириладиган юза орасидаги тирқиш:

полимер мастикали, тахта, паркет, ламинацияланган паркет, линолеум, синтетик толалар асосидаги рулонли материаллардан бажарилган қопламалар учун 2 мм дан;

бетон (ҳамма турдаги), ксилолит, цемент-қум қоришмаси, поливинилацетатцемент-қирик таркибли, бетон плиталар (ҳамма турдаги), сопол, сопол-гранит, тош, резина, чўян ва пўлатдан бажарилган, шунингдек қоришмага терилган ғишт қопламалар учун 4 мм дан;

чўян плиталар ва қум қатламли ғишт қопламалар учун 6 мм дан ошмаслиги керак.

2.19. Пол қопламаси юзасининг йўл қўйилган қияликдан оғиши хоналарнинг тегишли ўлчамларига нисбатан 0,2% дан ошмаслиги, аммо 20 мм дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

3. ОРАЛИҚ ҚАТЛАМ

3.1. Оралиқ қатлам тури 4-иловага мувофиқ полларга кўрсатиладиган таъсирлар туридан келиб чиқиб танланади.

3.2. Елимлайдиган композициялар пол қопламаси материалларига мос бўлиши ҳамда бетон, цемент-қум ёки гипс асосга ётқизилладиган қопламаларнинг кўчириб олишдаги бириктириш мустаҳкамлигини (адгезиясини) таъминлаши керак, бунда ушбу кўрсаткич қоплама материалининг турига қараб қуйидаги катталиклардан, (МПа)да, кам бўлмаслиги талаб қилинади:

- полимер елимларга ётқизилладиган паркет қопламалар ва линолеум0,3;

- цемент елимларга ётқизилладиган сопол плитка, сопол-гранит, табиий тош плиталар0,5;

- полимер елимларга ётқизилладиган сопол плитка, сопол-гранит, табиий тош плиталар2,0;

(мазмунини ҳам, қаерга алоқадорлигини ҳам тушунмадим) (более предела прочности основания при растяжении-отрыв когезионный, по основанию).

3.3. Оралиқ қатламнинг қалинлиги материалга қараб қуйидагича бўлиши керак, мм:

- цемент-қум қоришмаси ва зичлайдиган қўшимчали суюқ шиша асосидаги қоришмадан10-15;

- донали материаллардан бажарилган қопламалар учун полимерли замазкалардан3-4;

- плиткани ёпиштириш учун иссиқ битум мастикаси ва цемент асосидаги елимли композициядан2-3;

- паркетни ёпиштириш учун елимли композициядан1,0 дан ортиқ эмас;

- рулонли материалларни ёпиштириш учун елимли композициядан 0,8 ортик эмас;
- синфи В30 дан паст бўлмаган майда донали бетондан.....30-35;
- қум ва иссиқлик изоляцияловчи материаллардан....60 дан кам эмас.

3.4. Суюқликлар таъсирига учрайдиган поллар учун қум ва иссиқлик сақлайдиган материаллардан тайёрланган оралиқ қатламларнинг қўлланишига йўл қўйилмайди.

4. ГИДРОИЗОЛЯЦИЯ

4.1. Оқинди сувлар ва бошқа суюқликларнинг ўтиб кетишидан гидроизоляция қилиш суюқликлар полга фақат ўртача ва катта интенсивликда таъсир кўрсатганда кўзда тутилиши лозим (*1.4-бандга қаранг*), бунда қуйидагилардан гидроизоляция қилинади:

- сув ва нейтрал эритмалардан – ораёпмалардаги полларда, асоснинг чўкувчан ва шишувчан грунтларида, шунингдек иситилмайдиган хоналардаги пол асосининг кўпчидиган грунтларидаги полларда;

- органик эриткичлар, минерал мойлар ва улардан тайёрланган эмульсиялардан – фақат ораёпмалардаги полларда;

- кислоталар, ишқорлар ва уларнинг эритмалари, шунингдек ҳайвонлардан олинган моддалардан – грунт ва ораёпмалардаги полларда.

4.2. Пол конструкциялари, лотоклар ва ариқлар деворлари ва тублари, асбоб-ускуналар учун фундаментлар усти, шунингдек полнинг ушбу конструкцияларга туташ жойларида оқава сувлар ва бошқа суюқликларнинг ўтиб кетишидан гидроизоляция узлуксиз амалга оширилиши керак. Полнинг деворлар, асбоб-ускуналар учун фундаментлар, қувурлар ҳамда полдан туртиб чиққан бошқа конструкцияларга туташган жойларида гидроизоляция пол қопламаси сатҳидан камида 200 мм баландликда, сув оқими деворларга тўғридан-тўғри тушиш эҳтимоли бўлганда эса, ҳўлланадиган баландлик бўйича кўзда тутилиши лозим.

4.3. Оқава сувлар ва бошқа суюқликларнинг ўртача интенсивликда таъсир кўрсатишида гидроизоляция қаватларининг сони материал туридан келиб чиқиб қабул қилинади:

- мастикаларга ёпиштириладиган рулонли битум материаллар, битум ва битум-полимер мастикалар ҳамда цемент асосидаги гидроизоляция қиладиган қоришмалардан гидроизоляция – камида икки қават;

- эритиб ёпиштирадиган ва ўзи ёпишадиган рулонли битум материаллар ва полимер рулонли материаллардан гидроизоляция – камида бир қават.

Полга суюқликнинг катта интенсивликда таъсир кўрсатишида, шунингдек оқава сувлар учун лотоклар, ариқлар, траллар тагида ҳамда улардан 1 м радиусда гидроизоляция қаватларининг сони қуйидаги ҳолларда кўпайтирилиши зарур:

- мастикаларга ёпиштирадиган рулонли битум материаллар, битум ва битум-полимер мастикалар ҳамда цемент асосидаги гидроизоляцияловчи қоришмалардан гидроизоляция қилишда – камида икки қават;

- эритиб ёпиштирадиган ва ўзи ёпишадиган рулонли битум материаллар ва полимер рулонли материаллардан гидроизоляция қилишда – камида бир қават.

4.4. Полга минерал мойлар, улар асосидаги эмульсиялар ёки органик эриткичларнинг ўртача ёки катта интенсивликда таъсир кўрсатишида битум асосидаги материаллардан ёпиштириладиган гидроизоляциянинг қўлланишига, шунингдек полга органик эриткичларнинг ўртача ёки катта интенсивликдаги таъсир кўрсатишида катрон асосидаги материаллардан гидроизоляциянинг қўлланишига йўл қўйилмайди.

4.5. Битум асосидаги материаллардан тайёрланган ёпиштириладиган гидроизоляция юзаси бўйлаб, унинг устидан таркибига цемент ёки суюқ шиша кирадиган қопламалар, қатламлар, стяжкалар ётқизилишидан олдин, мос равишда битум мастикаси суртиш ва устидан йириклиги 1,5-5 мм ли қум сепиш зарур. Қумсепма завод шароитида амалга оширилган гидроизоляциялаш материали қўлланган ҳолларда қум сепилган битум мастикасидан фойдаланмасликка йўл қўйилади.

4.6. Пол конструкцияси, лотоклар ва ариқлар деворлари ва тублари, асбоб-ускуналар учун фундаментлар усти, шунингдек полнинг ушбу конструкцияларга ўтиш жойларида оқава сувлар ва бошқа суюқликларнинг кириб кетишидан гидроизоляция узлуксиз амалга оширилиши керак. Полнинг деворлар, устунлар, асбоб-ускуналар учун фундаментлар, қувурлар ҳамда полдан туртиб чиққан бошқа конструкцияларга туташган жойларида гидроизоляция пол қопламаси сатҳидан камида 300 мм баландликкача узлуксиз давом эттирилиши лозим.

4.7. Бетонли тўшама қават тагидаги гидроизоляция куйидаги ҳолларда кўзда тутилиши керак:

- тўшама қават таги грунт сувларининг хавфли капилляр кўтарилиш зонасида жойлашганида. Гидроизоляцияни лойихалаштиришда грунт сувларининг ўз уфқларига нисбатан хавфли кўтарилиш баландлиги чақик тош, шағал ва йирик синикли грунтлардан бажарилган асослар учун - 0,25 м га, йирик қумли асослар учун 0,3 м га, ўртача йирикликдаги қумли асослар учун 0,5 м га, чангнамо қум, қумлоқ тупроқли ва чангнамо қумлоқ тупроқли асослар учун 1,5 м га, қумоқ тупроқ, чангсимон қумоқ тупроқ ва қумлоқ тупроқ, гилли асос учун 2,0 м га тенг олиниши керак;

- тўшама қават бино отмоқсиси сатҳидан пастда жойлашганида;

- сульфат, хлорид, азот, сирка, фосфор, хлорнамо ва хром кислоталарининг полга ўртача ва катта интенсивликда таъсир кўрсатишида.

Гидроизоляция конструкцияси ер ости иншоотлари, ертўлалар, гаражлар ва ҳ.к. фундаментлари ва деворларининг гидроизоляцияси билан битта бўлиши керак.

Бетон асос тагини гидроизоляция қилишда мастикалар воситасида

ёпиштириладиган рулонли битум материаллар, эритиб ёпиштириладиган ва ўзи ёпишадиган рулонли битум материаллар ва полимер рулонли материаллар, грунт бўйлаб бажарилган стяжка қаватига аввалдан қоплаб чиқилган битумли ва битум-полимерли мастикалар ҳамда цемент асосидаги гидроизоляцияловчи қоришмалар билан бир қаторда битум шимдирилган чақик тош ёки шағалдан бажарилган қуйма гидроизоляция, асфальт-бетондан асфальт гидроизоляцияси, шунингдек бевосита асос грунтга ётқизиладиган профилиланган рулонли полиэтилен мембраналардан бажарилган гидроизоляция қўлланиши мумкин.

Полга сув ўртача ва катта интенсивликда таъсир кўрсатадиган (очик стадионлар ва майдончалар) ҳамда бетон асослар бўйлаб қоплама ва асос орасида сув ўтказадиган қопламалар ишлатилган ҳолларда дренаж ҳосил қилиш ва бунда дрен сифатида деформация ва ишчи чоклардан фойдаланиш лозим. Дренлар ғовакли структурага эга эластик материаллар билан тўлдирилган бўлиши керак;

сув ўтказадиган қопламалар бевосита бикир бўлмаган тўшама қатлам (шағал ва чақик тош) устидан ётқизилганида, грунтли асосда юзаки сувларнинг четга чиқарилиши ва сувости сувлар сатҳининг пасайишини таъминлайдиган дренаж кўзда тутилади

5. ИССИҚЛИК ВА ТОВУШ ИЗОЛЯЦИЯСИ

5.1. Иссиқлик изоляциясининг қалинлиги ҚМҚ 2.01.04 талабларига мувофиқ амалга ошириладиган ҳисоблар бўйича белгиланиши лозим.

5.2. Товуш изоляциясининг қалинлиги ҚМҚ 2.01.08 талабларига мувофиқ амалга шириладиган ҳисоблар бўйича белгиланиши лозим.

5.3. Полга 2 кН дан каттароқ бир ерга тўпланган юк таъсир кўрсатганида, иссиқлик ва товуш изоляциясини ташкил қилишда ҳисобий юк таъсирида сиқилмайдиган, стандартлар ва бошқа амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келадиган материаллар қўлланиши керак.

5.4. Ҳаво температураси 23°C гача бўлган иситиладиган хоналарда грунт устига ётқизиладиган пол қопламаси бино отмоствасидан 0,5 м баландроқ ёки пастрок жойлашган бўлса, полнинг ташки деворларга ёки иситиладиган хоналарни иситилмайдиганларидан ажратиб турадиган деворларга туташган зоналарида иситиладиган пол қуйидаги ҳолатларда кўзда тутилиши лозим:

а) ишлаб чиқариш хоналарида ўтириб ёки туриб бажариладиган ва мунтазам жисмоний кучланишни ва оғир юкларни кўтариш ёки ташишни талаб қилмайдиган ишларда (енгил ишларда);

б) кишилар доимий бўладиган турар жой, жамоат ва маъмурий-маиший бинолар хоналарида.

Пол қопламаси отмоствадан 0,5 м баландроқда жойлашган бўлса, грунт бўйлаб пол тўшаш мақсадга мувофиқ эмас. Бундай ҳолларда тағхона қурган маъкул.

5.5. Грунт бўйлаб ётқизилган полни иситиш учун полга эни деворлардан 0,8 м келадиган намга чидамли иситкич (масалан, зичлиги 40 кг/м³ дан кам

бўлмаган пенополистирол) тўшалади, бунда иситкич қалинлиги ҚМҚ 2.01.04 бўйича ушбу қаватнинг термик қаршилиги ташқи деворнинг термик қаршилигидан кам бўлмаслик шартидан келиб чиқиб аниқланади.

5.6. Тагхоналари ва ертўлалари бўлмаган бир хонадонли турар жой биноларида полларни иситиш 5.5-банд бўйича амалга оширилади. Пол қопламаси отмоствадан 0,5 м дан баландроқда жойлашган ертўла мавжуд бўлган ҳолларда пол унинг бутун майдони бўйлаб иситилади, бунда иситкич қалинлиги ҚМҚ 2.01.04 бўйича, ушбу қаватнинг термик қаршилиги ташқи деворнинг термик қаршилигидан кам бўлмаслик шартидан келиб чиқиб, аниқланади.

6. СТЯЖКА (ПОЛ ҚОПЛАМАСИ ТАГИНИНГ АСОСИ)

6.1. Тортмаларни қуйидаги ҳолларда қўллаш лозим:

- пастда ётган қатлам юзасини текислаш зарур бўлганда;
- қувурларни ёпиш талаб қилинганида;
- юкларни иссиқлик ва товуш изоляцияси қатламлари бўйича тақсимлаш керак бўлганида;
- полнинг меъёрлаштирилган иссиқлик ўзлаштиришини таъминлашда;
- ораёпмалар полларида қиялик ҳосил қилиш талаб этилганида.

6.2. Стяжка оқинди сувлар учун лотоклар, ариқлар ва трапларга туташган ерларида қиялик ҳосил қилиш учун энг кам қалинлиги ораёпма плиталари бўйлаб ётқизилганида 20 мм ни, иссиқлик ёки товуш изоляцияси қатлами бўйлаб ётқизилганида 40 мм ни ташкил қилиши керак. Қувурларни ёпиш учун стяжка қалинлиги қувур диаметридан 10-15 мм ортиқроқ бўлиши лозим.

6.3. Стяжкалар қуйидаги ҳолларда тайинланади:

пастки қатлам юзасини текислаш ва қувурларни ёпиш учун, бунда сиқилишга мустаҳкамлиги В 7,5 дан паст бўлмаган синфли бетон ёки сиқилишга мустаҳкамлиги 15МПа (150 кгс/см²) дан паст бўлмаган цемент-қум қоришмаси қўлланади;

ораёпмада қиялик ҳосил қилиш учун, бунда сиқилишга мустаҳкамлиги В 7,5 дан паст бўлмаган синфли бетон ёки сиқилишга мустаҳкамлиги 10МПа (100 кгс/см²) дан паст бўлмаган цемент-қум қоришмаси қўлланади;

қуйма полимер қопламалар остига, бунда сиқилишга мустаҳкамлиги В 15 дан паст бўлмаган синфли бетон ёки сиқилишга мустаҳкамлиги 20МПа (200 кгс/см²) дан паст бўлмаган цемент-қум қоришмаси қўлланади.

6.4. Полнинг меъёрланган иссиқлик ўзлаштиришини таъминлаш учун бажарилган стяжкаларнинг енгил бетони ўзининг сиқилишга мустаҳкамлиги бўйича В5 синфига мос келиши, ғовакли цемент-қум қоришмаси эса сиқилишга мустаҳкамлиги бўйича 5 МПа га мос келиши керак.

6.5. Иссиқлик ва товушни изоляция қилувчи эластик қатлам устидан тўшаладиган стяжкалар сиқилишга мустаҳкамлиги В 15 дан паст бўлмаган синфли бетондан ёки сиқилишга мустаҳкамлиги 20МПа дан паст бўлмаган

цемент боғловчили куруқ қурилиш пол аралашмаларининг цемент-кум қоришмаларидан тайёрланиши кўзда тутилади.

6.6. Полга 2 кН (200 кгс) дан ортиқ бир ерга тўпланган юк таъсирида иссиқлик ва товушни изоляция қилувчи қатлам устидан бетон қатлами ётқизилиши керак, бунда унинг қалинлиги ушбу қатлам деформациясини чиқариб ташлаш шартидан келиб чиқадиган ҳисоблар асосида белгиланади.

6.7. Пастда ётган қатлам юзасини текислаш учун қўлланадиган цемент боғловчили куруқ қурилиш пол аралашмалари асосидаги ўзи зичланадиган дисперс қоришмалардан тайёрланган монолит стяжкаларнинг қалинлиги композиция таркибидаги тўлдиргич максимал диаметрининг 1,5 қисмидан кам бўлмаслиги керак.

6.8. Цемент боғловчи асосидаги 28 кунлик стяжкаларнинг бетон асосдан кўчириб олишга бўлган уланиш мустаҳкамлиги (адгезияси) 0,6 МПа дан кам бўлмаслиги керак. Қотган қоришманинг (бетондан) бетон асос билан улашиш мустаҳкамлиги 7 кундан кейин лойиҳалаштирилганига нисбатан 50% дан кам бўлмаслиги лозим.

6.9. Товушни изоляция қиладиган қистирмалар ва тўкмалар устидан бажарилган стяжкаларнинг бошқа конструкциялар (деворлар, пардеворлар, ораёпмалар орқали ўтадиган қувурлар ва х.к.) билан туташган ерларида стяжканинг бутун қалинлиги бўйлаб эни 25-30 мм келадиган ва товушни изоляция қиладиган материал билан тўлдириладиган тирқишлар кўзда тутилиши лозим.

6.10. Хўл жараёнларни бартараф этиш, ишларнинг ишлаб чиқарилишини тезлаштириш, шунингдек полнинг меъёрлаштирилган иссиқлик ўзлаштиришини таъминлаш мақсадида гипс толали, ёғоч-параха ва цемент-параха варақлар ёки фанералардан йиғма стяжкалар қўлланиши керак.

6.11. Полнинг меъёрлаштирилган иссиқлик ўзлаштиришини таъминлаш учун бажариладиган стяжкаларнинг енгил бетони В5 синфдан паст бўлмаслиги керак.

6.12. Стяжка юзасининг горизонтал текисликдан оғиши (икки метрли назорат рейкаси ва текширилаётган юза орасидаги тирқишлар) донали материаллардан тўшаладиган қопламалар учун қатлам бўйича қуйидаги катталикларга эга бўлади, мм да:

цемент-кум қоришмаси, ксилолит, поливинилацетат-цемент-қипиқ таркибли қатлам бўйича, шунингдек елимланадиган гидроизоляция ётқизиладиган қатлам бўйича4;

синтетик смолалар ва цемент асосидаги елимлайдиган композициялар, шунингдек линолеум, паркет, ламинацияланган паркет, синтетик толалар асосидаги рулонли материаллар ва қуйма полимер қопламалар ётқизиладиган қатлам бўйича2.

6.13. Эксплуатация пайтида температура фарқлари (мусбат ва манфий) кузатилиши мумкин бўлган хоналарда цемент-кум ёки бетон стяжкада устунларнинг ўқлари, ораёпмалар плиталарининг чоклари, тўшаладиган қаватдаги деформация чокларига тўғри келадиган деформация чоклар кўзда тутилиши лозим. Деформация чоклари эластик полимер композиция билан

уланган бўлиши керак.

6.14. Иситиладиган поллар стяжкаларида энига ва бўйига кесиладиган деформация чоклари кўзда тутилиши керак. Чоклар стяжканинг бутун қалинлиги бўйича кесилади ва эластик полимер композиция билан улаб чиқилади. Деформация чокларининг қадами 6 м дан ошмаслиги керак.

7. ТЎШАМА ҚАТЛАМЛАР

7.1. Биқир бўлмаган тўшама қатламлар (асфальт-бетондан; таркиби бўйича танланган тош материаллар, шлакли материаллар, чақик тош ва шағалли материаллардан, шу жумладан органик боғловчилар билан ишлов берилганларидан; органик ва аорганик моддалар билан ишлов берилган грунтлар ва маҳаллий материаллардан) улар мажбурий механик йўл билан зичлаб олинганидан кейин қўлланиши мумкин.

7.2. Биқир тўшама қатлам (бетон, армобетон, темир-бетон, пўлат-фибробетон (ПФБ) ва пўлат-фибро-темир-бетон (ПФТБ)) В22,5 дан паст бўлмаган синфга мансуб бетондан таёрланиши лозим. Агар В22,5 дан паст бўлган синфга мансуб бетондан тайёрланган тўшама қатламда ҳисоб бўйича чўзилиш кучланиши ҳисоблаб чиқарилганидан паст бўлса, қопламани тўшашдан олдин полга текисловчи стяжка тортиб туриб, В7,5 дан паст бўлмаган синфга мансуб бетонни қўллашга, ҳамма турдаги қопламаларни бевосита бетон асос бўйлаб қоплашда В12,5 дан паст бўлмаган синфга мансуб бетонни қўллашга, мастикали қуйма полимер қопламалар бундан мустасно, ва мастикали қуйма полимер қопламаларни бевосита бетон асос бўйлаб қоплашда В15 дан паст бўлмаган синфга мансуб бетонни қўллашга йўл кўйилади.

7.3. Эксплуатация жараёнида агрессив суюқликлар, ҳайвонлар чиқинди моддалари ва ҳар қандай интензивликдаги органик эриткичлар ёки сув, нейтрал эритмалар, мойлар ва улардан олинган ўртача ва юқори интензивликдаги эмульсиялар таъсирга учраши мумкин бўлган полларда биқир тўшама қатлам қўлланиши лозим.

7.4. Тўшама қатлам қалинлиги полга таъсир кўрсатаётган юк, қўлланаётган материаллар ва асос грунтининг хоссаларидан келиб чиқиб амалга оширилган ҳисоблар асосида белгиланиши лозим. Тўшама қатлам қалинлиги, материалга қараб, қуйидагича бўлиши керак, мм да:

кумли.....	60 мм дан кам эмас
шлак, шағал ва чақик тошдан	80 мм дан кам эмас
бетондан, турар жой ва жамоат биноларида.....	80 мм дан кам эмас
ишлаб чиқариш хоналарида.....	100 мм дан кам эмас
полимербетонли юқори агрессив муҳитли ишлаб чиқариш хоналарида	60 мм дан кам эмас

